

## ОТАУЛЛИХОН ТЎРА МАСЖИДИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти*

*давлат музейи илмий ходими*

***М.Холбоева***

***Калит сўз:*** меъморчилик, маданий мерос, дегрезлик, куфий, сулс, насх, настаълиқ, ганч, ёғоч ўймакорлиги

***Аннотация:*** Ушбу мақоладан Наманган вилоятида жойлашган меъморий обидаларнинг ажойиб намуналаридан бири « Отаулликхон Тўра масжиди» масжиди, унинг қурилиш жараёни, масжидга безак бериш ишларида фойдаланилган ўзига хос амалий санъат услублари тўғрисида маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Ўзбек халқининг маданий мероси бўлмиш меъморчилик санъати минг йиллар давомида яратилган. Ўтмишда ота - боболаримиз қурган мухташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган безаклар билан ҳозиргача хайратга солиб келмоқда. Меъморчилик шундай бир санъатки, унда ижодкор халқнинг тарихи, тафаккури, орзу - умидлари, ўзига хос хусусиятлари, дунёқараши, қизиқиши, барча хислатлари намоён бўлади. Жумладан, кўхна шаҳарларимизда чиройини кўз - кўз қилиб турган махобатли меъморий обидалардаги оддий ғиштдан тортиб нақшлар кошинлару ўймакорлик санъатининг нодир дурдоналаригача ўтмишдаги халқимиз ҳаёти, маданиятидан дарак беради.

Наманган шаҳридаги меъморий обидаларнинг ажойиб намуналаридан бири «Сумалак гузар» махалла марказида, «Уйчи» кўчасида жойлашган «Атоулликхон тўра» масжидидир. (Бу масжид махаллий халқ иборасида Отавалихон тўра масжиди деб атаб келинади). Тарихдан маълумки, Наманган шаҳри тўрт қисмдан иборат бўлиб, Лаббайтоға, Сардоба,

Чукуркўча, Дегрезлик дахаларига бўлинган. Мазкур дахаларнинг хар бирида жомеъ масжидлари ва мадрасалари бўлган. Жумладан, Дегрезлик дахасининг марказида, яъни хозирги Атоуллихон тўра масжиди ўрнида ҳам XVII асрнинг охирида бунёд этилган мадраса ва катта жомеъ масжид биноси мавжуд эди.

Манбашунос Ахмад Убайдуллох «Наманган хақиқати» рўзномаси 2007 йил 31 январь сониди «Нодир обидалардан бири» мақоласида ушбу мадраса ва масжид ёғочдан синчли қилиб қурилган бўлиб, бинонинг ички ва ташқи кўринишлари ҳамда жомеъ масжидининг айвони ниҳоятда дид, амалий санъатнинг гўзал усуллари билан нақш қилиниб, зийнатланган ҳамда араб ёзувининг куфий, сулс, насх ва настаълиқ усулларида оятлар, хадислар ҳамда саловатлар ёзилган эди. Шунингдек, ганч ва ёғоч ўймакорлиги ишлари ниҳоятда мохирона бажарилган.

XIX асрда Халифа Абдулазиз номи билан машхур бўлган сўфий шоир Абдулазиз Хасанхўжа ўғли Мажзуб Намангоний мазкур мадраса ва жомеъ масжидини таъмирлаб, шу ерда фаолият кўрсатиб, мударрислик қилади. Шу даврдан бошлаб бу мадраса ва жомеъ масжид Халифа Абдулазиз мадрасаси номи билан атай бошланади. Халифа Абдулазиз вафотидан сўнг орадан бир қанча йиллар ўтгач, XX асрнинг бошларига келиб, сабаби номаълум бўлган ёнғин натижасида масжид ва мадраса бинолари тамоман куйиб кетади.

Бўлиб ўтган ёнғиндан сўнг Халифа Абдулазизнинг набираси Атоуллихон (Отавалихон) тўра бошлиқ Дегрезлик дахасига қаршли махаллаларнинг оқсоқоллари ўзаро маслахатлашиб, куйиб кетган масжид ва мадраса биносининг ўрнига янгидан гумбазли жомеъ масжиди қуришга қарор қилдилар.

Бўлғуси масжид биносининг лойихаси ишлаб чиқилади, лойихасига мувофиқ масжид катта гумбазли бўлиб, ёғоч ишлатмасидан фақат пишиқ ғиштдан қурилиши ва бинонинг олди томони икки қувватли бўлиши, ички қисми ажойиб санъатли турли ўйма нақшлар билан безатилиши керак эди. Атоуллихон тўра масжидининг мазкур лойихаси хозирда Республика

марказий Давлат архивида сақланмоқда. Бундай улкан гумбазли бинони қуриш иши осон бўлмаганлиги учун таклиф этилган усталарнинг кўпчилиги бу мураккаб ва масъулиятли вазифани қилмадилар. Нихоят ўша даврнинг машхур меъмори наманганлик Иброхим меъморнинг ўғли Уста Мулла Қирғиз қурилиш ишларини ўз зиммасига олади. Уста Мулла Қирғиз хақиқий устазода бўлиб, меъморлик санъати соҳасида туғма истеъдодга эга эди.

1915 йилнинг баҳорида қурилиш ишлари бошлаб юборилди, қурилиш жараёнида Уста Мулла Қирғиз билан ёнма - ён унинг истеъдодли шогирдларидан Уста Фозил Намангоний, соқов Хожи ва бошқалар бирга ишлайдилар. Уста Мулла Қирғиз масжид қурилишида ўзининг барча тажрибасини ишга солади ва маҳоратини намоян қилади. Чунки, бундай мураккаб қурилиш иншоотлари камдан - кам бунёд этилар эди.

Дастлаб бино пойдеворини 4 ой давомида шиббалаб қотирилган, ҳар бир шибба уришидан олдин пойдеворга тўлдириб сув қўйилган, то сув шимилиб сергугунча кутиб турилган ва яна шибба урилган. Бу ҳол пойдеворга қўйилган сув маълум муддат шимилгунча давом эттирилсин ва шундан сўнг тош териб, қамиш солиб, ғишт терилган.

Бино таркиби тўғри бурчакли ва гумбази мутаносиб бўлиб 27x19,6 метрлик режа асосида қурилган. Масжиднинг усти айланаси диаметри 13,9 метрлик қовурғали улкан гумбаз билан ёпилган. Гумбазнинг ён томонларига айлантириб бир нечта панжарасимон туйнуклар қўйилган. Масжид гумбазининг ғарбий ва шарқий қисмлари ғишдан кўтариб ишланган. Тўртта устунлар тепасига ўрнатилган бўлса, гумбазнинг шимолий ва жанубий қисмлари саккизта ана шундай устунчалар устига ўрнатилган. Бу устунларнинг барчаси турли рангдаги сиркор қопламалар билан қопланиб, юқори қисмига куфий хати билан Аллоҳ ва унинг сифати ёзилган. Устунлар билан девор орасидаги бўшлиқ эса масжид айвонини ташкил қилади. Масжидга кириш эшигининг икки ёнида иккинчи қаватга чиқиш учун баландлиги 10 метрга яқин, зинапо्याлик бурама йўлаклар бор. Уста Қирғиз

мазкур йўлакларни қуришда ғишт теришнинг ўзига хос махсус усуллари ва салобатини мохирона намоён этган.

Атоуллихон тўра масжиди биносининг яна бир қимматли томони шуки, XVI асрдан то ҳозирги давримизгача Ўрта Осиёда бунёд этилган меъморлик обидалари орасида гумбазининг улканлиги жихатидан етакчи ўринлардан бирида турганлигидадир. Бу иншоот наманганлик меъморларнинг истеъдодидан дарак бериб турибди. Гумбазнинг устки қисмидаги марказдан бошланиб пастга тушган 30 га яқин қовурғалар, қуёш нурида товланувчи кўк рангли қуйма сопол тувакчаларга ўрнатилган. Гумбазни сержило ва жозибадор қилиш учун ғиштан бўрттириб гуллар чиқарилган ҳамда унинг остидан гумбаз айланасига қуфий ёзувида бўрттириб «Калимаи тойиба» битилган. Масжид қурилиши асосан Дегрезлик даҳасида яшовчи маҳаллалар аҳолисидан ва бошқа муридлардан йиғилган маблағ ҳисобига бунёд этилган.

Масжид очилиши пайтида аҳоли томонидан масжид ичига яхлит тушадиган хажмда гилам тўқиб келиб, тўшаганлар. Масжид ишга тушгач, кутубхона ташкил қилинган ва бу кутубхонага кўплаб нодир қўлёзма китоблар жамлаган. Атоуллихон тўра масжиди қошида Қуръон илмини ўргатувчи марказ, қорихона ташкил қилинган ва унда XIX аср охири, XX аср бошларида яшаб ўтган Наманганлик таниқли қироат илмининг билимдонлари дарс беришган. Мазкур қорихонада Исмоил Маҳдум Соттиев, Муҳаммадхон Қори Хожа Абдуллох ўғли сингари таниқли илм ахллари сабоқ олишган.

1922 йилга келиб Шўролар ҳукуматининг қарорига мувофиқ бутун мамлакатда халқимиз диний эътиқоди ва диний муассасаларига ҳамда ўша пайтларда жорий бўлиб турган араб ёзувига қарши кураш бошланди. Натижада Атоуллихон тўра масжиди ҳам ёпилди, қорихона мударрисларининг айримлари ушланиб қамалди, қочиб омон қолган баъзи мударрислар хорижий мамлакатларга ўтиб кетиб қутилди. Кутубхонадаги китобларни ва бошқа ашёларни мусодара қилиб олдилар. Кейинчалик

китоблар ёқиб юборилди, ашёлар эса ҳукумат идораларига тақсимлаб берилди. Масжид эшигига ўйиб ёзилган оятларни болта билан чопиб, йўқотдилар. Шундай қилиб, улкан гумбазли масжид биноси ўз фаолиятини тугатди.

Бўш қолган бино бироз муддат омборхона вазифасини ўтаб келди ва 1930-1931 йилларга келиб бу бино хотин - қизлар клубига айлантирилди. Наманган Давлат архивида сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Атоуллохон тўра масжиди 1939 йилнинг май ойига қадар хотин - қизлар клуби бўлиб турган.

Мустақиллик шарофати билан меъморий ёдгорликларимизга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, Атоуллохон тўра масжиди таъмирланиб, гўзал масканга айланди. Хозир бу ерда вилоят диний мадрасаси фаолият кўрсатмоқда. Кўплаб мусулмон давлатларидан келган меҳмонлар толиби илмларга яратилган бу ердаги шарт - шароитларни кўриб офарин айтмоқдалар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ахмад Убайдуллох, «Наманган ҳақиқати» рўзномаси 31.01. 2007 й сони.
2. Юсупов И, Мирзалиев Э. “Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари” , Наманган, 2008 й
3. Рўзинов Б, Ражабова «Наманган вилояти маданий меросидан лавҳалар», Наманган, 2006 й